

**ҲОЗИРГИ КУНДА СПОРТЧИ ЁШЛАРНИ ТИЛ ЎРГАНИШДАГИ ДУЧ
КЕЛАЁТГАН МУАММОЛАРИ ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ****Мусаева Нилуфар Адхамовна***Метод бирлашма котиби*

Аннотация: Ушбу мақолада бугунги кунда спортчи ёшларни тил ўрганишдаги дуч келаётган муаммолари ва уларни бартараф этиш йуллари хусусида суз юритилди.

Калит сузлар: спорт,хорижий тиллар,чет тиллар,ахборот,иқтидорли „, француз, немис .

Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантиришга йўналтирилган кенг кўламли ишларни амалга ошириш бугунги кунимизнинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб саналади. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 3 июндаги, ПҚ-3031-сонли қарори жумладан, “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ҳамда 2018 йил 5 мартдаги “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5368-сонли Фармонида мамлакатда аҳолини айниқса ёш авлоднинг жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан мунтазам шуғулланиши учун замон талабларига мос шарт-шароитлар яратиш, иқтидорли спортчиларни саралаб олиш мақсадли тайёрлаш ишларини тизимли ташкил этиш борасида кенг кўламли ишлар амалга ошириш вазифаси юклатилди.

Шу ўринда биз ҳозирги кунда спортчи ёшларни тил ўрганишдаги дуч келаётган муаммолар хусусида тўхталиб ўтишни жоиз деб топдик. Албатта ҳар бир инсон бирор ишга қўл уриш орқали маълум мақсадга эришишни кўзлайди. Шу қаторда инглиз, француз, немис ёки бирор шарқ тилларини ўрганишга киришган янги тил ўрганувчилар ҳам мазкур тилларни ўрганиш орқали маълум бир мақсадга, натижага эришишни кўзлайди. Афсуски баъзи тил ўрганувчилар шу қадамдаёқ хатога йўл қўядилар ва кейинчалик тил ўрганиш жараёнида бир қатор қийинчиликларга дуч келишади.

Гап шундаки ҳозирги кунда аксарият хорижий тилларни ўрганувчилар мазкур тилни ўрганиш орқали бир томонлама натижага эришишни кўзлашади, яъни улар янги хорижий тил ўрганиш орқали фақат кириш тестларида яхши натижага эришиш, ўзлари ўрганаётган тил бўйича тил билиш сертификатини қўлга киритиш ёки мазкур тилда шунчаки сўзлашув кўникмасини шакллантиришни мақсад қилишади. Бу эса ўрганилаётган тилга юзаки муносабатни шаклланишига сабаб бўлади. Ўз ўрнида ўрганилаётган тилга нисбатан бундай юзаки муносабат уларнинг мазкур тилни, ундаги ўзига хос ибора ва мураккабликларни тўлиқ англаб етишларига халақит беради ва оқибатда улар ушбу тилни ўрганишдан ўзлари кутгандай муваффақиятга эриша олишмайди. Бу уларнинг хорижий тилларни ўрганишга бўлган иштиёқларига

салбий таъсир кўрсатади ва улар «бу менинг она тилим эмас, бу тилни тўлиқ билишим шарт эмас» деган хулосага келишади. Аслида эса тил ўрганиш жараёнига нисбатан бундай қараш мутлақо хато. Хорижий тилларни ўрганиш ва ўрганилаётган тилда равон гапира олиш ушбу тилни ўрганишга жиддий киришишни талаб этади. Тил ўрганишга юзаки эмас балки жиддий ёндашишгина ушбу тилни, ундаги мураккабликларни тўлиқ тушунишга ва келажакда ушбу тилда қийинчиликларсиз мулоқот қилишга йўл очади.

Хорижий тилларни энди ўрганишга киришган ўрганувчиларнинг олдидаги муаммоли вазиятлардан яна бири бу уларнинг мазкур тилни ўзлаштириш ва қўллаш давомида хато гапириб қўйишдан қўрқишларидир. Албатта тил ўрганиш жараёнида хато қилишдан қочиш тил ўрганувчиларда тилга нисбатан масъулиятли бўлиш кўникмасини шакллантиради, бироқ бу жараён тил ўрганишни суғлаштиришга ва ўрганувчи ўқувчининг бора-бора бу тилда гапириш кўникмасининг тўлиқ ривожлантиришида қийинчиликларга учрашига олиб келиши мумкин. Одатда тил ўрганувчи ўрганаётган тилларида суҳбатлашиш жараёнида грамматик меъёрларда хато қилишдан қочишга уриниши билан чалғиб гапирилаётган фикрнинг мазмунини мажхуллаштиришга сабаб бўлади. Бу эса тингловчининг фикрни тўлиқ англаб етолмаслигига олиб келади. Шунини унутмаслик керакки ҳар қандай янги бошланган ишда хато ва камчиликлар бўлиши бу табиий ҳол. Янги тил ўрганувчиларнинг нутқидаги талаффуз бузилишлари ва грамматик хатоликлар доимий ўз устида ишлаш ва мазкур тилда гапириш амалиётини ошириш орқали ўз ечимини топади.

Чет тилларини ўрганишга киришаётган спортчиларнинг ўрганишда йўл қўядиган яна бир хатолардан бири бу ўрганувчиларнинг ўқитувчи кўмагига ҳаддан ортиқ боғланиб қолиши ва ўз устида ишлашдан қочишларидир. Албатта тил ўрганиш жараёнида ўқитувчининг тушунтириш ва ёрдамларига таяниш оптимал ҳолат, аммо ўрганувчиларнинг ўз устида ишлашдан қочиши ёхуд ўз устида кам ишлаши, мустақил ишлаш жараёнида юзага келадиган тил ўрганиш билан боғлиқ кичик мураккабликларга ечим топишга урунмасликлари бора-бора ўрганувчиларнинг тил ўрганиш кўникмаларининг секинлаштиришга ва кам натижа беришига олиб келади. Шунини унутмаслик керакки хорижий тилга доир кўникмаларни айнан бир шахснинг нутқига таяниб қуриб бўлмайди, чунки одатда ўқитувчиларнинг ўша хорижий тилдаги нутқи ўша хорижий тилда сўзлашувчи туб аҳоли нутқи билан анча фарққа эга бўлади. Бундай муаммоларга дуч келмасликнинг энг тўғри йўлларида бири бу ўша тилдаги киноларни кўриш ва подкаст ва радио эштиришларни тинглашдир.

Хорижий тилларни янги ўрганаётган спортчиларга боғлиқ муаммоли вазиятлардан бири бу хорижий тилларни ўрганишга мўлжалланган ўқув дастурларининг ҳаддан ортиқ кўплиги ва ёшларнинг одатда ўқитиш дастурларининг ўзига мосини танлаш ва кейинчалик ўқитиш дастурларига кўникиб кетолмасликдир. Баъзида хорижий тилларни ўрганишда қайси усул самаралироқ? ўқитувчи билан юзма-юз ҳолда алоҳида ўрганиш ёки гуруҳларга бириккан ҳолда? деган савол тил ўрганишга энди киришган ёшлар олдида пайдо бўлади. Кузатишлар шунини кўрсатадики хорижий тилларни ўрганишга қаратилган юқоридаги икки усул ҳам

ўзига хос устунлик ва камчиликларга эга. Мисол учун хорижий тилларни гуруҳларга бириккан ҳолда ўрганиш орқали хорижий тилда гапириш кўникмасининг тез шаклланишига, дарсда ўтилган маълумотларни ўзаро саволжавоблар орқали янада мустаҳкамлаб олишига эришиш мумкин. Бироқ хорижий тилларни гуруҳларда ўрганиш давомида ажратилган вақтнинг баъзида барча ўқувчилар билан ҳам ишлашга етмаслиги, дарс юзасидан берилган ахборотларнинг барчага бирдай тушунарли бўлмаслиги каби муаммоларга дуч келиши ҳам мумкин. Хорижий тилларни ўқитувчи билан яқка ҳолда ўрганиш жараёнида эса ўрганувчи тил юзасидан ўзида пайдо бўлаётган барча саволларга жавоб олиш имкониятига эга бўлиши, мавзунинг нисбатан тушунарли бўлиши ва дарс жараёнида ортиқча нарсаларга чалғимаслиги каби қулайликларга эга бўлади. Лекин тил ўрганишнинг бу ушбу тилда гаплашиш кўникмасининг ривожлашига тўсқинлик қилади. Бу муаммо борасида Тони Робинс «Энг яхши усул ва қоидалар ҳам моваффақиятнинг атига 20 фоизини ташкил этади, қолган 80 фоизи инсон психологиясига боғлиқдир» деб таъкидлайди. Шуни унутмаслик керакки муваффақиятнинг асосий гарови бу тинимсиз меҳнат ва ҳаракатдир. Тил ўрганиш жараёнида вужудга келдиган муаммоли вазиятлардан яна бири бу янги тил муҳитига мослаша олмаслик, ўша тилни ҳис қилишда қийналишдир. Одатда бундай муаммо ушбу тилда сўзлашувчиларнинг ёки ушбу тилни билувчиларнинг тил ўрганувчи атрофида йўқлигидир. Бу муаммо ортидан тил ўрганувчи янги ўган сўзлар ва маълумотларини тезда ёдидан чиқариб юборишига олиб келиши мумкин. Бу муаммони ҳал қилишнинг мақбул усули бу ўрганилаётган тил муҳитини ўрганувчи томонидан яратилишидир. Бу борада тил ўрганувчи энг аввало куундалиқ ҳаётда энг кўп фойдаланадиган буюмларнинг номини эслаб қолишга ҳаракат қилиши ва иложи бўлса бу буюмларни янги ўранилаётган тилдаги номини уларнинг ўзига ёзиб қўйиши анчайин фойдали. Бу усул хорижий тилдаги предметлар номини осон ўзлаштирилиши ва хотирада узоқ сақлашига ёрдамлашади. Бундан ташқари хорижий тилдаги мусиқаларни тинглаш ва ушбу мусиқа матнини олган ҳолда мусиқа эштиш давомида сўзлар талафузини кузатиш эштиш ва талафуз кўникмасини анчайин муваффақиятли шаклланишига кўмаклашади.

Хулоса урнида шуни айтиш керакки, хорижий тилларни ўрганиш жараёнида хатоларга йул куймаслик ва муаммоларга дуч келмаслик учун тил ўрганишга нисбатан маъсулиятлроқ бўлиш ва мунтазам уз устида ишлаб бориш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар руйҳати:

- 1 Т. Робинс «Мақсадга қандай эришилади» 2013. 3.3.Пўлатова. «Хорижий тилларни ўрганишдаги муаммолар». Мақола.
- 2 Сергеева, Э. С. (2021). Категория пространства в художественной литературе. Экономика и социум, (1-2), 957-960.
- 3 Сергеева, Э. С. (2020). Образ культурного пространства романов Л. Соловьева «Повесть о Ходже Насреддине» И А. Волоса «ВОЗВРАЩЕНИЕ В ПАНДЖРУД». Экономика и социум, (11), 1283-1286.

4 Сергеева, Э. С. (2020). Приём понимания как один из способов интерпретации художественного текста. Academic research in educational sciences, (4).

5 Shayxislamov, N. (2021). O'QUVCHILARNING YOZMA SAVODXONLIGINI OSHIRISHDA YOZMA ISHLARNING O'RNI. Scientific progress, 2(1), 1659-1664.

6. Shayxislamov, N. (2020). Ona tili darslarini o'qitishda kakografiya usulini qo'llash. Yangi Uzbekistonni kurit va rivojlantirishda ёшларнинг фаоллиги, 317320